

СПОРТ БАЙРАМИГА ҲОЗИРЛИК

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантириш, ёшларимизнинг жисмонан соғлом ва бақувват бўлиб вояга етишлари учун зарур шароитларни яратиб беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

«Умид ниҳоллари — 2009»

Хусусан, бундан бир неча йил муқаддам давлатимиз раҳбари ташаббуси билан яратилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида таълим тизимининг узлуксизлик талабларига ўйунлашган уч босқичли оммавий спорт ҳаракати — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» спорт ўйинлари ёш авлод камолотида етакчи ўрин тутмоқда. Муҳими, мусобақаларни ўтказиш учун жойларда бири-бирдан гузал замонавий спорт иншоотлари қад ростляпти, одамларнинг спортга муносабати яхши томонга ўзгарапти. Ёшларимиз онгида бир миллат бўлиб юрт шароити ҳимоя қилиш гоёси шаклланимоқда. Мусобақалар савияси ҳам тобора ошиб бораёпти.

Жорий йил ушбу оммавий спорт ҳаракатининг биринчи босқичи — «Умид ниҳоллари — 2009» мусобақасига Сирдарё вилояти мезбонлик қилади. Маълумки, оммавий спорт ҳаракатининг илк босқичи умумтаълим мактаблари ўқувчиларини қамраб олади. У ёшларни курашда чиниқтириш, ғалабага бўлган ишончларини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шу билан бирга, ўқувчиларнинг шахсий-ижтимоий ривожланиши, иқтидорли ёшларни катта спорт оламига жалб этишни ҳам кўзда тутади.

(Давоми 4-бетда).



Б. АКРАМОВ олган сурат.

Деҳлида 36-Умумжаҳон маркетинг конгресси бўлиб ўтди. Тадбир Ҳиндистон Менежмент ва маркетинг институти томонидан мамлакат ҳукумати, Ташқи ишлар вазирлиги, мамлакатнинг Савдо палатаси, Саноатчилар уюшмаси, «PHD» савдо-саноат палатаси ҳамда Марказий Осиё мамлакатларининг Ҳиндистондаги элчихоналари ҳамкорлигида ташкил этилди.

ИШБИЛАРМОНЛИК СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИНИНГ УМУМЖАҲОН МАРКЕТИНГИ

Учрашувда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Ўзбектуризм» миллий компанияси, «Ўзинфинвест» ахборот-таъминот ва хорижий инвесторларга қўмаклашиш агентлиги вакиллари иштирок этишди.

Конгресс иштирокчилари сармояларни жалб қилиш, банк тизими, суғурта, туризм ва энергетика соҳаларига алоқадор бўлган долзарб масалаларни муҳокама қилишда ҳамда глобаллашув шароитида кичик ва ўрта бизнес ўртасидаги алоқалар салоҳиятини ўрганишди.

Таъкидландики, давлатлар ўртасидаги тарихий алоқалар ва мамлакатларнинг геостратегик жойлашуви катта иқтисодий аҳамиятга эга бўлиб, келгусида айнан мана шу омиллар давлатлар ўртасидаги кўп томонлама муносабатларни ривожлантириш ва чуқурлаштириш учун хизмат қилади. Марказий Осиё ва Ҳиндистоннинг бой табиий захиралари, томонларнинг илмий ва техник салоҳияти мамлакатлар ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлашга асос бўлиши мумкин.

Конгрессда турли мамлакатлар ўртасида савдо, инвестиция, технологиялар бериш, хизмат кўрсатиш ва таълим соҳаларидаги ҳамкорликни қўллаш бўлиб, ўзига хос платформа лойиҳасини яратиш имконияти юзасидан ҳам фикр алмашилди. Микродаражадаги «B2B» бизнес тузилмаси бу жараёндаги муҳим босқичлардан бири бўлиши мумкин. Тузилма тадбиркорлик соҳасидаги истиқболли йўналишларни тадқиқ қилиш борасидаги маркетинг фаолияти, ташкилот ва корхоналарга зарур бўлган товарлар, хизматлар, технологияларни яратиш ва тақдир этишни ўз ичига қамраб олади.

Учрашув иштирокчилари Ҳиндистон билан Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ўзаро савдо ҳамжи томонлар салоҳиятига мос эмаслигини таъкидлашди. Марказий Осиёдан Ҳиндистонга газ, нефть ва ундан олинган маҳсулотлар, тўқимачилик, мис, алюмин, пўлат, пластмасса ва пластмасса буюмлари экспорт қилинади. Ҳиндистондан импорт қилинадиган маҳсулотлар эса машина ва ускуналар, химикатлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, чой, шакар, дори-дармонлар, қоғоз, пойабзал, тўқимачилик ва қандолат маҳсулотларидан иборат.

Конгресс доирасида Ўзбекистоннинг иқтисодий ва туристик салоҳияти тақдироти ўзгариши. Иштирокчилар эътиборига турли слайдлар ҳамда ҳужжатли видеофильм ҳавола этилди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришда Савдо-иқтисодий ва илмий-техникалий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон ва Ҳиндистонда мунтазам равишда ўтказиб келинаётган бизнес-семинарлар, кўргазмалар, ярмарка ва конференциялар, тақдироти маросимлари мамлакатларимиз ўртасидаги тезкор ахборот алмашинувиغا хизмат қилиб, айнан ҳукуматлараро комиссия фаолиятининг самарасидир. Тўпланган тажриба асосида айни пайтда икки мамлакат ўртасида савдо, инвестиция, транспорт, технологиялар, туризм, техник ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантиришни назарда тутувчи битим лойиҳаси тайёрланмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда Ҳиндистон сармояси иштирокида ташкил этилган 49 та корхона фаолият юритётган бўлиб, уларнинг 19 таси юз фоизлик хорижий капитал асосида тузилган. Мазкур корхоналар ҳалқ истеъмол моллари, дори-дармон ишлаб чиқариш, тўқимачилик, тери маҳсулотларини қайта ишлаш, улгуржи ва чакана савдо соҳаларида фаолият юритмоқда.

«Жаҳон» АА. Деҳли

«Бухорогипс» қўшма корхонасига 1 миллион 860 минг АҚШ доллари миқдорига хорижий инвестиция киритилгач, маҳсулот сифати яхшиланиб, меҳнат унумдорлиги ортди.

Маҳаллийлаштириш дастури — амалда

«Уз Корея Медикал», «Гуфик — Авиценна» қўшма корхоналари ва «Афруз Мармар» ёпик турдаги ҳиссадорлик жамияти ҳам Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган эди. Корхоналар модернизация қилингач, улар томонидан 2008 йилда 1034,6 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, ички бозорда сотилди. Энг муҳими, кўплаб янги иш ўринлари яратилди.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Дунё нигоҳи

Мамлакатимизнинг Италиядаги элчихонаси кўмагида тайёрланган италиян тилидаги «Uzbekistan oggi» («Ўзбекистон бугун») деб номланган рағли журналнинг биринчи сонини «Атес Графика» нашриёт уйи томонидан чоп этилди.

Унда ўтган йилда юртимизнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларида юз берган энг муҳим воқеаларга бағишланган туркум мақолалар эълон қилинган.

«Uzbekistan oggi» журнаlining ilk soni bosmadan chiqdi

Журнал кенг жамоатчилик, жумладан, Италиянинг сиёсий, эксперт-таҳлил ва ишбилармон доиралари, ушбу мамлакатда акредитациядан ўтган чет эл дипломатия ваколатхоналари вакиллари, шунингдек, Европарламент депутатлари учун мўлжалланган.

Нашр Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2008 йил августда ШХТ саммитида қилган маърузаси билан очилиб, Афғонистонда зиддиятнинг тобора авж олиши ҳамда қарама-қаршиликнинг кучайиши, вазият кескинлашиб, жангариларнинг террорчилик ҳаракатлари фаоллашгани боис минтақадаги хавфсизлик ва барқарорликка нисбатан таҳдидлар кучайиб бораётгани қайд этилди. Жумладан, Ўзбекистон раҳбари: «Афғонистондаги вазиятнинг ривожланиш динамикаси шундан далолат беришмоқдаки, факатгина қуролли кучларни ишлатиш, ҳарбий воситалар ва милитаризация даражасини ошириш ҳисобида Афғонистон муаммосини ҳал этиб бўлмайди.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми 4-бетда).

ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИ, ЭЛ ФАРОВОНЛИГИ

энг аввало, фуқароларимизнинг яшаш тарзи, турмуш даражаси билан белгиланади

Мамлакатимизнинг барча жабҳаларида ўтган йилги ишлар сарҳисоб қилиниб, янги режалар белгилаб олинди. Олдимизда турган вазифаларни ўрганиб чиқишда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури муҳим ўрин тутгани, шубҳасиз. Хусусан, яқинда депутатлар томонидан тасдиқланган Қашқадарё вилоятининг 2009 йилги давлат бюджети параметрлари ҳам ана шу тамойилга асосланди.

Халқ депутатлари вилоят кенгашининг сессиясидаги қизгин муҳокамада бу йилги молиявий бюджетнинг ҳаражатлар қисми ўтган йилгидан анча ортиқ қилиб белгиланди. Айниқса, аҳолининг турмуш даражасини ошириш, иш ўринлари яратиш, соғлиқни сақлаш, таълим соҳасига катта эътибор қаратилди. Президентимизнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида ҳам қишлоқларимизда нафақат замонавий

тураржой бинолари барпо этиш, балки ривожланган ижтимоий объектлар тармоғига ҳам эга бўлиш ҳақида сўз борди. Зеро, биз ҳам вилоят кенгашлари сессияларида, асосан, ушбу йўналишга кўпроқ эътибор қаратяпмиз. Жум-

Муносабат

ладан, ўтган йили оила, аёллар аҳоли ўрганиб чиқилиб, муҳокама қилинди. Натижада доимий комиссия томонидан мактаблар ва мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳақидаги тақлифлар бюджет лойиҳаси муҳокамасида эътиборга олинди. Таълим соҳасини ривожлантиришга 2009 йилда 225 млрд. 266 млн. сўм (41,7 фоиз) маблағ ажратилди. Ушбу маблағ ҳисобида вилоятимизда 74 та мактаб (асосан, қишлоқ жойларида) қурилади, таъмирланади. Шунингдек, мазкур маблағлар мактаб-

ларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, уларни янги замонавий жиҳозлар, спорт инвентарлари билан таъминлашга йўналтирилади. Вилоятда тиббий хизмат сифати кундан-кунга яхшиланмоқда. Кардиология, урология ва бошқа тиббий ёрдам марказлари замонавий медицина воситалари билан жиҳозланган. Доимий комиссия йигилишларида ижтимоий ҳимоя, янги иш ўринларини яратиш масалаларига алоҳида эътибор

қилинди. Президентимизнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида ҳам қишлоқларимизда нафақат замонавий тураржой бинолари барпо этиш, балки ривожланган ижтимоий объектлар тармоғига ҳам эга бўлиш ҳақида сўз борди. Зеро, биз ҳам вилоят кенгашлари сессияларида, асосан, ушбу йўналишга кўпроқ эътибор қаратяпмиз. Жум-

(Давоми 2-бетда).

Мамлакат бўйлаб

Экспорт салоҳияти ортмоқда

Нарпай туманидаги «Оқтош мева» корхонасида қайта ишланган маҳсулотларнинг асосий қисми Россия ва Украинага экспорт қилинаёпти. Ўтган йилнинг ўзига 11 минг тоннадан ортиқ помидор қайласи ва 500 тоннага яқин турли хил мевалар хорижий ҳамкорларга етказиб берилди. Айни пайтда корхонада янги мавсумга тайёрларлик ишлари бошлаб юборилди. Абдурусул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Темир йўлчилар коллежи

Қорақалпоғистонда кўркам ва мухташам Нукус темир йўл коллежи фойдаланишга топширилди.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси буюртмаси асосида бунёд этилган мазкур коллеж 375 ўқувчи ўрнига мўлжалланган. Қурилишига 4 миллиард 9 миллион сўм сарфланган коллежда ёшларнинг танлаган соҳалари бўйича чуқур билим олишлари учун барча шарт-шароит яратилган. Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Жиззах вилояти фермерлари кўламда 101 минг гектар майдонга чигит экинни режалаштиришган. Вилоятда уруғлик чигит, асосан, «Элита» масъулияти чекланган жамиятида тайёрланади.

«Элита»нинг сифатли уруғлари

Корхона раҳбари Ю. Қўчқоровнинг таъкидлашича, жамоа пахтакорлар билан 5500 тонна сифатли уруғлик етказиб бериш борасида шартнома тузган. 3 сменада ишлаётган корхона ишчилари хориждан келтирилган замонавий технологиялар ёрдамида зиммаларидаги вазифани сидқидилдан адо этмоқдалар.

Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

РИЗҚ-РЎЗИМИЗ МАНБАИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА



2008 йилда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми аввалги йилдагига нисбатан

4,5 фоизга кўпайди.

Соҳада ислохотлар изчил олиб борилаётгани, шу жумладан, фермер хўжалиқларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қишлоқ инфратузилмасини жадал ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирларнинг кенг комплексини амалга ошириш туфайли шундай ижобий натижага эришилди.

Бир рақам шарҳи

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

ЮКСАК ИШОНЧ МАСЪУЛИЯТИ

Хабарингиз бор, ўтган йили 1 майда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида адвокатуранинг институти янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

Унда суд-хуқуқ тизимини янада либераллаштириш, фуқароларнинг тергов ва суд ишини юриштириш ҳар кандай босқинчида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини мустахкамлаш, адвокатуранинг ташкилий мустақиллигини таъминлаш, уни юқори малакали кадрлар билан тўлдириб, уларнинг касбий обрўси ва нуфузини ошириш вазифалари кўзда тутилган эди. Ўтган давр мобайнида мазкур ҳуқуқий мажмуада белгиланган нормаларни ҳаётга татбиқ этишга доир қатор тадбирлар бажарилди.

2009 йил 1 январда матбуотда эълон қилинган «Адвокатура институти» тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун ҳамана шу ҳаётини зарурати рўйб-чарик, қолаверса, юқорида номини зикр этилган Фармон ижросини таъминлаш самарасидир.

Зеро, мазкур ҳужжат мамлакатимизда адвокатуранинг мутлақо янги талаблар, институционал механизмлар асосида раванқ топишига ҳуқуқий замин яратди. Чунки, ҳужжат адвокатлар ва коллатини бирмунча кенгайтириш баробарида унинг касбий масъулиятини ҳам оширди.

Энди адвокатлик талабгорлар олий юридик маълумот олгандан кейин 2 йиллик касбий меҳнат стажига эга бўлиши, шу жумладан, адвокатлик тузилмасида қандайдир ортиқ бўлган стажига эга бўлиши бўлиши керак ҳамда малака имтиҳонини ижобий равишда топшириши шарт.

Адвокатнинг стажёри қонундаги муҳим аниқлик ҳисобланиб, уни қандайдир иллик иш стажига эга бўлган адвокатга ўлғаштириш мумкин.

Шунингдек, янги тартибга биноян, гўмон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг илтимосига қўра ёҳуд уларнинг розилиги билан бошқа шахслар томонидан ҳимоячи тақлиф қилинмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси томонидан белгиланган адвокатлик тузилмаси раҳбари Қонунда белгиланган тегишли органлардан ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармасига келиб тушган пайтдан эътиборан тўрт соат ичда жиноят иши бўйича ҳимоячи иштирокни таъминлаши шарт.

Адвокатура институти тақомиллаштирилиши йўлидаги муҳим янгиланган яна бири мамлакатимиздаги барча адвокатларнинг мажбурий аъзолигига асосланган нотиҳорат ташкилот — Адвокатлар палатасининг ташкил топишидир. Шунингдек, таъкидлаш жоизки, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида тузилмадан ҳудудий бошқармалар билан бирга адвокатуранинг ягона ўзини ўзи бошқариш тизимини ташкил этадиган Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси бугун тўлиқ шакллантирилди. Энг муҳими, адвокатларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ бажарилган фаолиятига аралашмаслик тамойили дои-

расида иш юритади. Адвокатлар палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлар барча адвокатлик тузилмалари ва адвокатлар учун мажбурийдир. Аввало, у адвокатлик тузилмалари фаолиятини марказлаштирилган ҳолда мувофиқлаштириб боради. Сўнгги йилларда фуқароларнинг қўлаб муаммоларини бартараф этиш мақсадида, соҳани янада ривожлантириш, унинг нуфузини ошириш, адвокатуранинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишидаги ролини кучайтириш ва қўлағи шаклланиши палата тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун ҳамана шу ҳаётини зарурати рўйб-чарик, қолаверса, юқорида номини зикр этилган Фармон ижросини таъминлаш самарасидир.

Зеро, мазкур ҳужжат мамлакатимизда адвокатуранинг мутлақо янги талаблар, институционал механизмлар асосида раванқ топишига ҳуқуқий замин яратди. Чунки, ҳужжат адвокатлар ва коллатини бирмунча кенгайтириш баробарида унинг касбий масъулиятини ҳам оширди.

Энди адвокатлик талабгорлар олий юридик маълумот олгандан кейин 2 йиллик касбий меҳнат стажига эга бўлиши, шу жумладан, адвокатлик тузилмасида қандайдир ортиқ бўлган стажига эга бўлиши бўлиши керак ҳамда малака имтиҳонини ижобий равишда топшириши шарт.

Адвокатнинг стажёри қонундаги муҳим аниқлик ҳисобланиб, уни қандайдир иллик иш стажига эга бўлган адвокатга ўлғаштириш мумкин.

Шунингдек, янги тартибга биноян, гўмон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг илтимосига қўра ёҳуд уларнинг розилиги билан бошқа шахслар томонидан ҳимоячи тақлиф қилинмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси томонидан белгиланган адвокатлик тузилмаси раҳбари Қонунда белгиланган тегишли органлардан ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармасига келиб тушган пайтдан эътиборан тўрт соат ичда жиноят иши бўйича ҳимоячи иштирокни таъминлаши шарт.

Адвокатура институти тақомиллаштирилиши йўлидаги муҳим янгиланган яна бири мамлакатимиздаги барча адвокатларнинг мажбурий аъзолигига асосланган нотиҳорат ташкилот — Адвокатлар палатасининг ташкил топишидир. Шунингдек, таъкидлаш жоизки, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида тузилмадан ҳудудий бошқармалар билан бирга адвокатуранинг ягона ўзини ўзи бошқариш тизимини ташкил этадиган Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси бугун тўлиқ шакллантирилди. Энг муҳими, адвокатларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ бажарилган фаолиятига аралашмаслик тамойили дои-

Т. САЙДОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Адвокатлар палатаси раиси.

ТАШАББУСКОРЛИК — ЮТУҚЛАР ГАРОВИ

Бунда, албатта, давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Сенати бешинчи ялпи мажлисида билдирган мулоҳазалари алоҳида аҳамият касб этганини таъкидлаш лозим.

Парламентимиз юқори палатаси — мамлакатимизнинг олий вакиллик органи. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ҳам мазмун-моҳияти доирасида Сенат билан уй-гун фаолиятга эга. Зотан, Президентимиз айтганларидек, Сенат аъзолари ўз ваколатларини маҳаллий кенгашлар депутатларидан олган ва уларнинг олий органдаги тўлақонли, айна вақтда, шу кенгашларга ҳисоб берадиган вакиллари сифатида фаолият кўрсатади. Шу маънода, 2006-2008 йиллар давомида Олий Мажлис Сенати томонидан махсус ҳаракат дастури рўйб-чарик қилинган алоҳида таъкидлаш ўрни. Унга биноян, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини тақомиллаштириш, уларни мамлакат иқтисодий-иқтисодиёт ҳаётида янада жонлантиришга, шунингдек, уларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан алоқаларига доир кенг миқёсли ишлар бажарилиши, Айнақча, Сенат қўмиталари билан ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши натижасида маҳаллий кенгашлар депутатларининг фаолиятига, масаланинг ҳар томонлама таҳлил этилишига эришилди. Биргина мисол, юқорида тилга олинган ҳара-

кат дастури доирасида халқ депутатлари Наманган вилояти кенгаши йилгилишида сенаторлар билан бир-галликда ер ва сув ресурсларидан оқилона ҳамда самарали фойдаланишга доир масала кўриб чиқилди.

Муҳокама чоғида билдирилган таҳлилий-танқидий мулоҳазаларда депутатлар, айниқса, тегишли доимий комиссиялар жойлардаги урғашуларда мазкур масалага алоҳида урғу бериши лозимлиги таъкидланди. Хусусан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш самардорлигини ошириш, айниқса, вилоят аҳолиси турмуши учун озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришга ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш зарурати қайд этилиб, уни ижобий ҳал этиш бо-расида тақлифлар билдирилди. Шу билан бирга, ҳуқуқий-шартномавий муносабатларнинг тўғри ташкил этилиши ҳам ер-сувдан самарали фойдаланишга алоҳида аҳамиятга эга эканлиги депутатлар эътиборини тортиди. Чунки, сир эмас, охириги пайтда қўлгина фермер хўжалиқларида амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этиш амалиёти тўла шаклланимаганлиги кўзга ташланмоқда. Шартнома мажбуриятларини бажариш жуда сўст кечаётган шундай хўжалиқлар ҳам борки, депутатларимиз бу масалани улар билан урғашуларда батафсил тушунириб бориши талаб этилади.

Боз устига, уй-жой қуриш учун

хар томонлама раванқ топишига маъсул шахс ҳамдир. Қишлоқ та-раққиёти ва фаровонлиги йилда, албатта, қишлоқ аҳолиси фаровонлигини ошириш бағорларида, уларнинг кўркамлиги, ободлиги ҳам диққатталлаб масаласидир.

Парламентимиз юқори палатаси билан ҳамкорликда ташкил этилган

Маҳаллий кенгашларда

турли-туман семинарлар, қўшма мажлислар, ўқув машғулотлари бе-самар кетмади. Балки бу кейинги пайтда маҳаллий кенгашларимизда депутатлик гуруҳлари, доимий комиссияларнинг фаолиятига туртки берапти.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари фаолиятини янада яхшилашга қаратилган чора-тадбирлари натижаси уларок, бугун нафақат вилоят фао-лияти ҳам тобора тақомиллашиб, қонунчиликда белгиланган таомил-ларни рўйб-чарик қилишга қодир ин-ститути сифатида фаолият юритмоқ-да. Бу эса, депутатлар томонидан илгари сурилаётган ташаббуслар, аҳолини қийнаб келаётган муаммо-лар ечимининг топилишига яққол кўзга ташланмоқда. Шунингдек, доимий комиссияларнинг кенгаш

сессиясигача масалани дастлабки тарзда кўриб чиқаётгани ҳамда уни таҳлилдан ўтказётгани яхши сама-ра бермоқда.

Депутатларимизнинг ўз сайлов-чилари билан урғашуларга, муло-қотта мунтазам чиқиб тургани ҳам қўлаб маҳаллий аҳамиятга молик муаммоларнинг ечим топишига, янги ташаббусларнинг тугилишига замин яратмоқда. Хусусан, халқ де-путатлари Норин тумани Кенгаши қўлаб-қувватлашга Норин туман Кенгаши депутатлари алоҳида эъти-бор қаратишга ярапти. Мисол учун, ту-мандаги 53 та қабристоннинг ака-риятини ободонлаштириш, зиярат-чилик учун қўлаб-қувватлаш ва ру-ратини тугилишига. Бир қатор ма-ҳалларимиздаги оқсоқоллар та-шаббуси билан қабристонларни хашар ҳамда хомийлик йўли билан ободонлаштиришга киришдик. Ҳаққулобод шаҳридаги «Қўрғонте-па» қабристонини хомийлар ёрда-мида 20 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди.

Туманинг марказий шифохона-си туғуруқхона бўлими ҳам хомий-ларнинг 130 миллион сўмлик қўма-ги эвазига мутлақо янги кўриниш олди. Замонавий жиҳозлар билан таъминланган мазкур муассаса бу-гунги кунда норинликларга бемин-нат хизмат қилаётган. «Ешлар йили» Давлат дастури доирасида Ҳаққуло-бод шаҳрида «Ешлар боғи» ишга ту-ширилшида ҳам саховатпеша ки-шиларнинг 150 миллион сўмдан зиёд хайри ёрдами анча қўл келди.

Бундай ўзгаришларни, ижобий силжишларни яна қўлаб санаш мумкин. Энг муҳими, ана шу хайр-ли тадбирларнинг барчасида вило-ят, шаҳар, туман кенгашлари депу-татлари бош-қош, ташаббускор бўлаётгани, тадбиркорларни, кор-хона ва ташкилотларни бундай эзгу амали бажаришга ундаётгани кув-онарли ҳолдир. Маҳаллий кенгаш депутатлари, аввало, ўзининг фа-лолиги, шунингдек, сайловчилар ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний мафзаатларини таъминлашга бур-чи эканлиги улар фаолиятининг бош мезонидир. Қолаверса, Юртбоши-ми томонидан Вазирлар Маҳмама-сининг 2008 йил якунига қадар ба-ғишланган мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифаларни рўйб-чарик қилишга маҳаллий кен-гашлар депутатлари жонқурлиги, жонбозлиги айна мудоаодир.

Аҳмаджон ҲАКИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати аъзоси.

депутатлари эришаётган ютуқлар замирида ҳам ана шу саъй-ҳара-катлар мужассам.

Туманда 52 та маҳалла, 8 та қишлоқ фуқаролар йиғини бўлиб, уларнинг нуфуси 130 миң нафар кишидан ошади. Улар билан ўтқа-зилган урғашу учун мулоқотлар чоғида қўлаб муаммолар ўртага ташланди. Тўғриси айтиш ке-рак, бугун сайловчи билан но-мигагина алоқа ўрнатадиган, унга қатта-қатта ваздалар бера-диган давр эмас. Бундай муно-сабатларнинг замони ўтди. Муам-мо борми, демак, уни ҳал этиш йўллари ҳам топилади. Гап шунда-ки, айрим муаммолар таҳлил этил-ганда, улар ҳоқимликларнинг сўнгги икки-уч йиллик режасига киритил-ган бўлади. Бундай пайтларда де-путатлар аҳолига ана шу батафсил тушунириши керак. Умуман, депу-татларимизнинг аҳоли билан до-имий урғашуи туриши самараси ўларок, юқорида таъкидланган ма-салаларнинг ақсарияти ҳал этилди. Бунда, албатта, ҳоқимлик, фуқаро-лар йиғинлари ҳамда тегишли таш-килотлар билан ҳамкорликда бажа-рилаётган ишлар муҳим аҳамият касб этапти.

Ободончилик, атроф-муҳитни тоза тутиш, қабристонлар, арик-ан-ҳорларни яхши ҳолатда сақлаш қон-қонимизга сингиб кетган амал. Ана шундай ишларни ташкил этиш, аҳоли ташаббусларини

ши депутатлари фаолият-ларини янада кучайтира-дилар. Айна пайтда до-имий комиссиялар томони-дан вилоятда «Давлат са-нитария назорати тўғриси-да»ги, «Йод етишмовчили-ги касалликлари профи-лаккаси тўғрисида»ги қонунларнинг ижроси каби масалалар ўрганилиб, тақ-лифлар тайёрланимоқда.

Комила КАРИМОВА,
халқ депутатлари
Қашқадар вилояти
кенгаши депутати.

Тиббиёт

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлардан қўланган асосий мақсад инсон мафзаатларига хизмат қилишдир. Бинобарин, бу борада давлат, жамоат ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқалари ўзининг юксак самараларини бермоқда.

САЛОМАТЛИК — БЕБАҲО БОЙЛИК

Ўзбекистон ҳуқумати, Жаҳон банки, БМТнинг Болалар жамғармаси — Юнеско томонидан ҳаётга татбиқ этилаётган унинг бойи-тиш бўйича миллий дастур ана шундай ҳамкорлик лойиҳаларидан биридир. Мазкур дастур асосида «Удонмаҳсулот» акциядор-лик компанияси таркибиде-ги барча ун ишлаб чиқарув-чи корхоналар унинг бойи-тишга мўлжалланган замона-вий технологиялар билан жиҳозланди. Айна пайтда улар томонидан мамлакатим-изда ишлаб чиқарилаётган биринчи навли уннинг кўп қисми темир моддаси, тур-ли витамин ҳамда фойдали микроэлементлар билан бойитилган ҳолда тайёрлан-моқда. Бундан ташқари, мах-сулот сифатини назорат қилишнинг муҳиммас тизими ҳам шакллантирилди.

Албатта, аҳолини сифат-ли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш маса-ласи шундангина иборат эмас. Таҳлиллар шунини кўрсатадики, олиб борила-ётган эзгу саъй-ҳаракатлар натижасида аҳоли, хусусан, репродуктив ёшдаги аёллар орасида камқонлик хаста-лигининг кескин камайиши-га эришилган. Республика Соғлиқни сақлаш вазирли-гида унинг бойи-тиш бўйича миллий дастур доирасида амалга оширилаётган иш-лар ва галдаги вазифалар-га бағишлаб ташкил этил-ган анжуманда ҳам айна мавзуда сўз борди. Унда тегишли вазирлик ва идо-ралар, халқаро ташкилот-лар вакиллари, давлат му-ассасаларининг шифо-корлари, олимлар ҳамда оммавий ахборот восита-лари ходимлари иштирок эт-дилар.

Анжуманда таъкидланган-дек, мамлакатимиз раҳ-бар ташаббуси билан тиб-биёт тизимида босқичма-босқич ҳаётга татбиқ эти-лаётган бундай кенг қам-ровли ислохотлар баркамол авлоднинг тарбиялаш, аҳоли саломатлигини янада му-стаҳкамлашдек улғувор ма-садларга йўналтирилгани-ги билан аҳамиятлидир.

Тадбирда унинг бойи-тиш бўйича миллий дастур доирасида қилгусида амал-га оширилаётган вазифа-лар хусусида ўзаро фикр алмашилди.

Ф. САНАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИ, ЭЛ ФАРОВОНЛИГИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

қаратилмоқда. Бу соҳада вилоятда аниқ дастур асо-сида изчил фаолият олиб борилаётган. Жумладан, вилоятда 93 миңдан ортиқ иш ўрни яратиш бўйича махсус дастур иш-лаб чиқилди. Президентимиз маърузасида таъкид-ланганидек, қишлоқ жой-ларидеги касаначилик неги-

зида янги иш ўринлари, тикувчилик, ҳунармандчи-лик, қайта ишлаш маскан-лари ташкил этилди. Иқтисодий инқироз Ер юзининг барча бурчақла-рида ўз таъсирини ўтқа-зиб, йирик корхоналар иш ўринларини қисқартираёт-ган, баъзи компаниялар ўз фаолиятини тўхтаётганга бир вақтда юртимизда ин-сон фаровонлиги йўлида

олиб борилаётган ишлар-га дунё ҳавас қилмоқда. Мамлакатимиздаги изчил ислохотлар натижасида иқтисодиётимиз мунтазам юксалмоқда. Вилоят кен-гаши сессиясида таъкид-ланганидек, 2009 йилда вилоятимизда 10,5 миңг ўринли 20 та касб-ҳунар коллежи ва 9 та ётоқхона-қурилиши ҳамда реконст-рукция қилиш ишларига

44 млрд. 651 млн. сўм маблаг ажратилиши кўзда тутилди. Еки касб-ҳунар ходимларини моддий рағ-батлантириш учун 3,5 млрд. сўм сарф этилиши режалаштирилган.

Албатта, халқ фаровон-лигини ошириш ҳамда аҳоли турмуш даражаси-ни юксалтиришдек усту-вор вазифаларни рўйб-га қиқаришда вилоят кенга-



Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ МЕБЕЛЛАР

Зангиоталин Баҳодир Тожиёв тадбир-корлик фаолиятини 5 киши билан бошла-ган эди. Бугунги кунда у раҳбарлик қила-ётган «Тожиёв ОМ» масъулияти чеклан-ган жамиятида 50 та иш ўрни мавжуд. 150 нафар киши эса мазмуний ишга жалб этилади.

Корхона фа-лолиятини кенгайти-риш эвазига жор-ий йилда яна қўлаб янги иш ўринлари яратилиши кўзда ту-тилган.

Жамиятда офис мебелларидан ташқари, 70 хил ўқув мебеллари, 16 турдаги спорт анжом-лари ишлаб чиқарилапти. Импорт ўрнини бо-сувчи бу маҳсулотларнинг сифати юқорилиги боис ил сайн талаб ортиб борапти. Масала-н, 2008 йилда республикамиз мактабларига жаҳон стандартларига тўла жавоб берадиган 850 миллион сўмлик ўқув жиҳозлари, шунинг-дек, лицей ва касб-ҳунар коллежларига 700 миллион сўмлик ўқув ускуналари етказиб берилгани бунинг тасдиғидир.

СУРАТДА: жамиятнинг илғор ишчиси Иброҳим Тўйязаров.

Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

Кейинги вақтларда дунёда озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг тобора ошиб бораётгани кўпчиликини ташвишга соляпти. Чунки шу пайтга қадар мўл-кўл бўлиб келган озиқ-овқат ва дон маҳсулотларининг эндиликда тақчиллашганлиги ҳақидаги хавотирли гап-сўзлар тез-тез такрорланмоқда. Дунё бозорига илгари қузатилмаган бундай инқироз, ҳатто, БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги агентлиги мутахассислари томонидан ҳам сўнгги ўн йиллар ичидеги энг баланд чўққи, деяр эътироф этиляпти. Бундан ҳам ташвишланарлиси — ана шу маҳсулотлар захираларининг глобал миқёсда қисқариб бораётганидир.

Озиқ-овқат: ТАЪМИНОТ ЭҲТИЁЖГА ЯРАШАМИ?

Экспертларнинг хулосаларида бунга, аввало, дунёнинг дон-дун етиштирилмаган асосий давлатла-рида ҳукм сурган қурғоқчилик ҳамда бир вақтнинг ўзида Ҳиндис-тон, Хитой, Вьетнам каби мамла-катларда бундай маҳсулотларга бўлган талабнинг кескин даражада ошиб кетгани сабаб қилиб кўрса-тилмоқда. Қолаверса, ноқулай об-ҳаво шароити ҳам вазиятни мурак-каблаштираётган. Дунё сибсатчила-ри ва халқаро ташкилотлар, хусу-сан, БМТнинг Озиқ-овқат дастури, Жаҳон банки, Халқаро валюта жам-ғармаси каби ташкилотларнинг яқин келажақда озиқ-овқат маса-ласида қийин вазият юзага кели-ши мумкин, деган баёнотлари ҳам-масидан ошиб тушди.

Глобал озиқ-овқат таназзули му-аммоларига бағишлаб Мадридда ўтказилган саммитда Жаҳон банки мутахассислари маҳсулотлар нар-хи ошиб кетаётгани боис сайёра-мизнинг миллионлаб одамлари танг аҳволда қолаётганини эътироф этди. Ҳукуматлар етарли чора

кўрмаган тақдирда бунинг оқибати аянчи туғатиши мумкин. Тўғри, хал-қаро ташкилотлар қўл қовуштириб тургани йўқ. Биргина Жаҳон банки сўнгги етти ой мобайнида 13 мил-лион одамга озиқ-овқат сотиб олиш учун субсидия ажратган.

Айтиш керакики, дунё бўйича галла майдонларининг 17 фоизга қисқаргани, донини четга сотувчи Канадада ҳеч қачон қузатилмаган жазира оқибатида экспорт са-лоҳиятининг камайиб кетгани ҳам бу борадаги ҳолатни янада кескин-лаштириб юборди. Энг ёмони — дунёдаги дон-дун захиралари жуда паст даражада экани таъкидлан-моқда. Бу эса жаҳон бозорларида доннинг нархи рекорд даражада кўтарилишига сабаб бўлди.

Жаҳон банки ва Бутунжаҳон озиқ-овқат ташкилоти (ҲА)нинг қўшма хизматидеги таъкидлашича, 2007 йилдан бери дунё бўйлаб бўғуд нархи 43 фоизга ўсган. Айна пайтда дон, маккажўртор, сўт ва бош-қа асосий маҳсулотлар баҳосининг ҳам кўтарилиши давом этмоқда. Энг ёмони — бундай ва-зиятни, айниқса, озиқ-овқатни чет-дан сотиб олувчи ноҳор давлатлар, хусусан, Африка мамлакатлари аҳолиси қаттиқ ҳис қилмоқда. Ма-салан, ички низолавлардан ағбор бўлган Гаитида нон нархи икки ба-рробар қимматлашган. Ваҳолатки, икки буханка маккажўртор нони уларнинг кун мобайнида истеъмол қиладиган ягона емишидир.

нархларнинг "осмонга сагчиши"га сабаб бўлаётган.

Шубҳасиз, озиқ-овқат маҳсулот-лари баҳосининг қиммат-лашуви инфляцияга йўл очаяпти. Экспертларнинг сўзларига қараганда, та-лаб ва тақлиф ўртасида-ги мувозанатнинг бузилишига талаб юқорилиги, тақлифининг эса чега-ралангани сабаб бўляпти.

Қолаверса, экин майдонларини саноатга ишлатиладиган сувлар саноат ҳамда аҳолиси ўсиб бора-ётган шаҳарлар эҳтиёжини қонди-ришга сарфланаяпти. Сув — ҳаёт манбаи экани, ундан тежаб-тергаб фойдаланиш зарурлиги яна бир бор ўз исботини топмоқда.

Айтиб ўтилганидек, дунёдаги

раинда 148, Австралияда эса 123,3 фоизга ўсган.

Бундан ҳам озиқ-овқатни четдан сотиб олувчи ноҳор давлатлар, ху-сусан, Африка мамлакатлари қаттиқ жабр кўрмоқдалар. Мавжуд аҳоли-ни енгиллаштириш мақсадида қитъа мамлакатлари ҳукуматлари озиқ-овқат импортини оширишга ҳаракат қилаётган бўлса-да, бю-джетнинг бундай синовларга дош бериши амримаҳол. Жаҳон озиқ-овқат дастури маълумотида кўра, ривожланган давлатлар жорий йилда хоридан озиқ-овқат харид қилишга ўтган йилдагига нисба-тан 10 фоиз кўп маблаг сарфлаш-га мажбур бўладилар. Бошқача ай-тганда, озиқ-овқат импорти учун йўналтирилиши қўлаётган маблаг

ҳажми 400 млрд. АҚШ долларига етиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, жаҳонда ку-затилаётган шундай мураккаб ва-зиятда Ўзбекистонда нарх-навоининг асосий ўсиши, кескин кўтарили-шига йўл қўйилмапти. Қайси фас-лда бўлишидан қатъи назар, бозор-ларимизга кирсанган, тўқинликдан, мўл-кўлчиликдан баҳричилигиниз очилади. Расталарда мева-сабза-вот, полиз, гўшт-сут маҳсулотлари етарли. Булар давлатимиз раҳба-рининг узоқни қўлаб амалга оши-раётган оқилона сиёсати самара-ларидандир. Масалан, Президентимизнинг биргина ўтган йилнинг ўзида қабул қилинган «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжа-ликларини чора моллар қўлайти-риши рағбатлантириши кучайти-риши ҳамда чорвачилик маҳсул-лари ишлаб чиқаришни кенгайти-риш борадидаги қўшимча чора-тад-бирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда «Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни қўлайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» Фармони ҳам аҳоли фаровонли-ги, бозорларимиз тўқинлигини таъмин-лашга қаратилган билан аҳамият-лидир. Биз шунинг учун ҳам фахр-ланамиз, гурурланамиз.

Соҳибжон НАЗАРОВ.

ЖАҲОН 24 соат ичида Пардоз ва инқироз

Франциянинг косметика маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи «L'Oréal SA» компанияси даромад ҳажми кескин тушиб кетганини маълум қилди.

Бу ҳақда «Bloomberg» ахборот агентлиги хабар тарқатди. Таъкидланишича, компания ишлаб топаётган маблағ миқдори сўнгги ўн йил ичида мисли кўрилмаган даражада пасайган.

Қаллобликда айбланмоқда

АҚШлик миллиардер Аллен Стэнфорд қаллобликда айбланмоқда, дейилди «Associated Press» ахборот агентлиги хабариди.

Мамлакат қимматли қозғалар ва биржа комиссияси Алленга тегишли бўлган «Stanford Financial Group» молия ташкилотидида ўтказган текширишлардан сўнг шундай хулосага келган. Текширишлар якунига кўра, «Stanford Financial Group» ўн йилдан кўпроқ

Нефть яна арзонлашди

Жаҳон бозорларида нефть нархи яна сезиларли даражада пасайди.

Лондоннинг «ICE» хом ашё биржасида ўтказилган сўнгги савдолар чоғида бир баррел «қора олтин» 41,03 АҚШ доллари баҳоланган. Нью-Йоркнинг «NYMEX» биржасида эса бу кўрсаткич 34,93 АҚШ доллари миқдоридида қайд этилган.

Даромаддан харажат кўп

Буюк Британиянинг «British Airways PLC» авиокомпаниясининг олаётган даромадига нисбатан харажатлари миқдори ортиб кетаётгани маълум қилинди.

«The Wall Street Journal» нашрининг ёзишича, компаниянинг қўшма харажатлари 2,7 миллион еврога етган. Бу аҳоли бизнинг ва-

Дунё бўйлаб молиявий инқироз «қулоқ» ёзаётган бир пайтда юртимизда банк-молия тизимининг барқарорлигини, банкларнинг инвестиция жараёнидаги фаоллигини ошириш учун ишончли ресурсларни таъминлаш талаб этилади.

Ўзбекистон Миллий банки: ҲАР БИР МИЖОЗ — ЭЪТИБОРДА

810 мингтаги ташкил этгани ҳам диққатга сазовордир. Миллий банкнинг омонатчилари доимий равишда кўпайиб бораётгани ва депозит ҳисобварақларига жалб этилган маблағлар ҳажми анча ўсгани тўғрисида нақд кўрсаткичлари ҳақида маълумот берди. Миллий банк аҳолининг бундан ташқари фаол ҳалб эта бориб, иқтисодиёт субъектларини кредитлаш учун ўз ресурс базасини кенгайтириб бораётганини айтиди.

Бу тираж натижаларига кўра, омонатчиларга тўланган ютуқларнинг умумий суммаси 18,3 млн. сўмни ташкил этди. Хозир Миллий банк муассасаларида миллий валютадаги 14 хил депозит амал қилаяпти. Улар бўйича йиллик 16 фоиздан 18 фоизгача даромад, жумладан, сақлаш

дан кўзланган мақсад аҳоли қўлидаги бундай пул маблағларини жалб этиш борасида тижорат банклари олиб бораётган фаолиятни рағбатлантириш, уларнинг инвестиция фаолиятини янада жонлантириш учун банкларнинг ресурслар базасини мустаҳкамлаш, жумладан, аҳолига кўрсатилаётган банк-молия хизматларини бундан ташқари тизимлар орқали, жумладан, вақт банкларнинг «CONTACT», «Лидер» ва «Юнстрим» тармоқидан фойдаланган ҳолда, тижорат хизматлари амалга оширяпти. Тижорат пул жўнатмалари бўйича операциялар ҳажми эса доимий равишда ўсаяпти. Фақат 2008 йилнинг ўзида миқозларга хизмат кўрсатувчи 117 та пунктда умумий суммаси 171 млн. АҚШ долларида ортық суммадаги 236 мингдан зиёд операция бажарилди.

Денгиздаги фалокат

Болтик денгизида Латвиянинг «Унора» номли балиқчилар кемаси чўкиб кетди.

Бахтсиз ҳодиса Даниянинг Борнхольм ороли яқинида содир бўлди. Кўтарувчилар экипаж аъзоларидан тўрт нафарининг жасадини қорихол рўй берган жойга яқин масофадан топишган. Кемада бўлган яна икки кишининг тақдирини номаълумлигича қолмоқда. Қидирув ишлари давом этмоқда. Кема нима сабабдан фалокатга йўлиққани ҳозирча номаълум.

Яхши хабар

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий Кенгаши қошида ташкил этилган «Сардорлар мактаби» барча вилоятларда ўз бўлиmlарига эга.

ЁШЛАР ИБРАТИ

12 дан 22 ёш оралиғидаги ёшларни бирлаштиришга ушбу ташкилот табиати асраш, шаҳар ва қишлоқларни кўкаллашга қўшмаларини қўйиб боради. «Хар бир ёшга — бир ниҳол», «Табиятни асрайлик», «Қушларга гамхўрлик қиламиз» сингари бир қатор лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда.

РЕСПУБЛИКА ИНКАССАЦИЯ БИРЛАШМАСИ

Қуролли Кучлар сафида амалда хизматини ўтаган, ВС ва ВСД категорияларига эга ҳамда 35 ёшдан ошмаган ҳайдовчиларни танлов асосида ишга таклиф этади.

INTEGRAL ASIA Dell ... от карманных компьютеров до серверов... 3 Технологии, обеспечивающие уверенность

ООО «Росагропромснаб» предлагает: СЧЕТЧИКИ ГАЗА ультразвуковые «Гобой-1» Цена - от 1 365 000 сум.

ХОМ АШЕНИНГ ИККИНЧИ УМРИ

Мамлакатимизда ислохотлар тибора чуқурлашиб бориши жараёнида халқ ҳўжалигининг барча соҳаларида ривожланиш учун имконият яратилмоқда.

Саноатда ишлаб чиқариш кўламининг ортганига эса, кўп жихатдан, хом ашёга боғлиқ. Шу жихатдан қўшма қўшниқ вақтда металл хом ашёсига талаб жуда юқори. Жойларда йиғилган металл парчалари ва чиқиндилари шу тиборанинг маълум бир қисмининг қондиришга хизмат қилади.

NEW HOLLAND TL5060 Ишлаб чиқарувчи корхона аҳолига ва корхоналарга қўйидаги хизматларни кўрсатади: қалинлиги 10 мм. гача бўлган барча турдаги металлларни букиш; барча пайвандлаш хизматлари; микоз материалдан (металл), махсулот тайёрлаш ва ишлаб чиқариш.

